КАСБИ ТУМАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритишни таъминлаш мақсадида туман ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи элементларига ном бериш ҳақида

"27" август 2019 йил Х-50/191-сонли Муғлон шаҳарчаси

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ-3961-сон қарорини ижро этиш ва Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6,10,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 04 октябрдаги ПҚ-3961-сон қарорини ижро этиш ва Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантирилиши ва юритилиши учун туман ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи элементларига ном берилсин.

2. Аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи элементларига ном беришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сонли қарори билан тасдикланган "Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисида"ги намунавий низом талабларига амал қилинсин.

3. Туман ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи элементларига ном беришда "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси талабларига мувофик расмий картография ва маълумотнома нашрлари, статистика, архив, тарихий ва бошқа манбалар маълумотлари асосида туман аҳоли пунктлари кўча-йўл тармоғи элементлари номларини хатловдан ўтказиш ва мақбуллаштириш ишлари амалга оширилсин.

4.Касби туман Юксалиш МФЙ кенгаши йиғилишининг 2019 йил 24 майдаги йиғилиш баён маълумот учун қабул қилинсин. Юксалиш маҳалла фукаролар йиғинини худудида жойлашган “Агроучастка” массивига “Янги хаёт” номи берилсин.

5.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Қурбонов), ҳоким ўринбосари (М.Амиров), “Ермулккадастр” ДК Касби туман филиали бошлиғи (Т.Чўпанов), “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлими (Б.Эшонкулов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда 2 кун муддатда туман худудида жойлашган аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи элементларига ном бериш жараёнини якунига етказсин.

6.Туман ўзини-ўзи бошқариш органлари “Ермулккадастр” ДК Касби туман филиали билан биргаликда туман ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи элементларига ном берган ҳолда ички ишлар бўлими маълумотлар ахборот базаси кўчмас мулк объектларининг ягона реестрига ва кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Қурбонов), ҳоким ўринбосари (А.Амиров) ушбу қарорнинг 5-бандига мувофик аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи элементларига ном бериш натижасида тўпланган ахборотни ички ишлар бўлимининг маълумотлар ахборот базасига киритиш учун компьютер ускуналари билан тўлик жиҳозланган зарур хоналар ва ходимлар ажратсин ва “Ермулккадастр” ДК Касби туман филиали билан биргаликда кўчмас мулк объектларининг ягона реестрига ва кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрининг “Электрон ҳукумат” тизимига интеграциялашувини таъминласинлар.

8.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Б.Қурбонов ва туман ҳокимининг ўринбосари М.Амиров зиммаларига юклансин.

Кенгаш раиси: **Н.Холбоев**